

Бақара сураси, 70-оят

09:00 / 21.09.2017 3531

Улар: «Биз учун Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин, сигир бизга иштибоҳли бўлиб қолди, биз, Аллоҳ хоҳласа, албатта ҳидоят топувчилармиз», - дедилар. Бақара 70.

Бану Исроил Аллоҳ таолонинг амрини дарҳол бажаришга одатланмаган, нобакор қавмлиги аввалдан маълум эди. Аммо бу сафар ҳаммасидан ўтиб тушди. Улар дастлаб Мусо алайҳиссаломдан сигир сўйиш ҳақидаги Аллоҳнинг амрини эшитишлари билан инкор тариқасида «Бизни масхара қиляпсанми?» - дедилар. Амр иккинчи бор такрорланганда, сўйилиши лозим бўлган сигирнинг умумий сифатини сўрашди. Сигирнинг умумий сифати баён қилиб берилиб, амри илоҳий учинчи марта такрорланганда эса унинг ранги ҳақида савол беришди. Сўйилиши лозим бўлган сигирнинг ранги ҳам очиқ-ойдин баён этиб берилганидан сўнг ҳам амрни бажаришга ўтмай, яна савол беришди. Келгуси ояти каримада Бану Исроилнинг охирги саволига жавоб ва қиссанинг хотимаси зикр этилади.